



## ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ ТАЪСИР МЕХАНИЗМЛАРИ

**Парниева М. Ж., Тўйчиева Д. С., Олимжонов Р., Анваржонова С.**

*Андижон давлат университети, Андижон шаҳри, Ўзбекистон*

Ҳозирда қишлоқ хўжалигида пестицидлардан фойдаланмасдан юқори ҳосилдор маҳсулотлар олишга эришиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам дунёнинг барча мамлакатларида пестицидларни ишлаб чиқариш жадаллик билан ўсиб бормоқда ва уларнинг умумий хажми йилига 1 неча милион тоннани ташкил этади. Пестицидларни кенг миқёсда ишлатилиши, уларни ташки мухитда муқим тарзда алмашинуви (тупроқ, сув, ўсимликлар, ҳайвонлар ва одам танасида) инсон сиҳат-саломатлиги учун катта хавф туғдиради. Мавжуд маълумотларга кўра, дунё бўйича экин экиладиган майдонларда пестицидларнинг концентрацияси хар бир гектар ерга ишлов бериладиган майдонга 300 граммдан ёки  $30 \text{ mg/m}^2$  дан тўғри келади. Европа мамлакатларида пестицидларни қўлланиш миқдори айтарли даражада юқори бўлиб, бу кўрсатгич йилига  $295 \text{ mg/m}^2$  ни ташкил этади. Пестицидлар тупроқда, айниқса унинг юқори қатламларида, 10 йил ва ундан ортиқ муддатда уларни сақланиш хусусияти кўп миқдорда йиғилиб қолиш хавфини вужудга келтиради. Бундай холларда тупроқда, пестицидларнинг концентрацияси шунчалик кўп бўладики, ушбу ерга экилган озиқ-овқатли ўсимликларда уларнинг руҳсат этилган меъёр даражасидан ортганлиги кузатилади [3].

Пестицидлар нафақат зааркунанда хашоротларга, балки одам ва ҳайвон танасига ҳам заҳарли таъсир этиши билан эътиборни жалб этади.

Пестицидлар тупроқ сув ва хавога тез ўтади ва қолдиқ сифатида тўқималарда тўпланади. Эпидемиологик текширувларнинг аксариятида пестицидлар фаол мураккаб кимёвий моддалар бўлиб, турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Инсон танасига турли йўллар билан, жумладан ифлосланган мухитдан ёки озиқ-овқат билан бирга кириб, токсик, балки канцероген таъсирга ҳам эга бўлиши мумкин. Пестицидлар жигарда ўт йўлларини тўсиб, диабет ва семириш каби касалликларни келтириб чиқарувчи омиллардан бири эканлиги тажрибаларда аниқланган. Баъзи пестицидларнинг перинатал таъсири аниқланиб, бунга кўра янги туғилган чақалоқларда инсулин даражасининг ортиши ҳамда болаларда ортиқча вазн билан боғлиқ касалликларни юзага келиши исботланган. Пестицидлардан хлорпирифос ва имидоклаприд пре- ва постнатал (ҳомиладорлик ва лактация) даврларнинг энг мухим босқичларида таъсир этиб, метаболик касалликларни келтириб чиқариши мумкинлиги аниқланган [2].

Абамектин атроф-мухитга ва инсонга зарар етказади. Абамектин инсектициди билан олиб борилган тажрибаларда шу нарса маълум бўлдики, ушбу пестицид ҳайвонлар организмида деярли метаболизмга учрамайди. Киритилган дозанинг 80-90% нажас билан ташқариға чиқарилади. Энг юқори даражалари жигар ва ёғ тўқималарида (липофил табиати туфайли), энг паст даражалари эса мияда тўпланади. Айниқса нейрон тизимиға катта токсик таъсир кўрсатади.

Пестицидлар билан ўткир ва сурункали заҳарланганда барча тўқималарнинг шикастланиши, сувқ илиги элементларида, периферик қонда, ички секреция безлари, жигар, буйрак, юрак мускуллари ва бош мия хужайраларида структура ўзгаришлари кузатилади. Пестицидлар билан заҳарланиш барча тўқима ва органларга таъсир қиласи, аммо уларнинг таъсирига энг сезигир аъзо жигар ҳисобланади. Ксенобиотиклар метаболизмида фаол иштирок этадиган гепотоцит хужайралари ушбу пестицидларнинг асосий нишонига айланади. Хужайрада митохондрия ва



микросомалар пестицидлар таъсирида энг кўп заарланади. Ушбу органоидларнинг муҳим ролини ҳисобга олиб, уларнинг мемброналарига ҳамда бу орқали хужайрага ва умуман организмга зарар етказишида муҳим аҳамиятга эга. Жигардаги қолдиқ пестицид бир қатор функционал ўзгаришларга олиб келади яъни ЛПО ва ферментлар активлигини ўзгаришига сабаб бўлади. Аммо пестицидларнинг секинлик билан жигардан утилизацияси бу ферментларнинг активлигини пасайтиради. Қолдиқ пестицидлар инсон организмнинг барча системаларини жароҳатлаши ва турли хил патологик холатларни келтириб чиқариши мумкин [4].

Турли тадқиқотлар пестицидларни саратон, нейродегенератив касаллик ва метаболик касалликларнинг ривожланиши ўртасида боғлиқлик борлигини кўрсатади. Хозирги вақтда доимий ишлатиб келинаётган пестицидлар метаболик касалликларнинг ривожланишига олиб келади. Экспериментал тадқиқотларга кўра, кўплаб пестицидларни масалан, фосфорорганик пестицидлар, неоникотиноидлар, пиретроид инсектицидлар, гарбицидлар, фунгицидлар жигарда ёф тўпланиши ва ҳайвонларда метаболик гомеостаздаги ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкинлиги аниқланган [1].

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Aouey B., Derbali M., Chtourou Y., Bouchard M., Khabir A., Fetoui H. Pyrethroid insecticide lambda-cyhalothrin and its metabolites induce liver injury through the activation of oxidative stress and proinflammatory gene expression in rats following acute and subchronic exposure. Environ. Sci. Pollut. Res. – 2017 – V.24 – P.5841–5856.
2. Lassiter T.L., Brimijoin S. Rats gain excess weight after developmental exposure to the organophosphorothionate pesticide, chlorpyrifos. Neurotox. Teratol. – 2008. – V. 30. – P.125–130.
3. Джурабекова З.И., Саидов Б.М., Пестицидлар ва саломатлик // O'simliklarni zararli organizmlardan himoya qilishda biologik usulning samaradorligini oshirish muammolari va istiqbollarli mavzusidagi konferensiya to'plami – Тошкент. – 2015. – Б.56-57.
4. Федоров Л. А., Яблоков А. В. Пестициды — токсический удар по биосфере и человеку. // М.: Наука, 1999. – С.461.